



«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
ITIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz



2
ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА
810 МИНГ СЎМ МИҚОРДА ДАВЛАТ
БОЖИ УНДИРИШ БЕЛГИЛАНМОҚДА

3
«СИНЧАЛАК»
ДЕПУТАТ



4
26 АПРЕЛЬ ТАРИХГА
КИРАДИ...



26 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирларига доир видеоселектор йиғилишидан кейинги мулоҳазалар...

5
ЁШЛИК БЕКОР ЎТМАСИН

Бекорчилик - иллатларга эшик очади. Шунинг учун ҳам юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ишсизликка барҳам бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, дейиш мумкин.

7
ҲАЛОКАТ ОИЛАНING
НУРАШИДАН
БОШЛАНГАН ЭДИ

Муҳаррир минбари

2018 йили мансабдор шахслар томонидан давлат ва жамият манфаатларига 556 млрд., 2019 йилда 1,858 трлн., 2020 йилда 500,1 млрд., 2021 йилнинг 9 ойида эса 658 млрд. сўм миқдоридан моддий зарар етказилган...

КОРРУПЦИОНЕРЛАР

ОСМОНИНИ ҚОРА
БУЛУТ ҚОПЛАЯПТИ...

КОРРУПЦИЯ
ТОВУТИ

НАФС

2с



2022 FOCUS: SATELLITES

«SPACE TECHNOLOGY CONFERENCE STC - 2022»

Пойтахтимизда «Space Technology Conference STC - 2022» мавзuidaги Марказий-Евроосиё минтақасидаги илк халқаро конференция ўз ишини бошлади. «Космик технологиялар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда уларнинг роли» мавзuida бағишланган анжуман дунёнинг 20 мамлакатидан космик фаолият соҳасидаги 110 та компания ва ташкилотлар, шунингдек, мамлакатимизнинг 30 та вазирлик ва идораларининг 200 нафардан ортиқ иштирокчиларини бир жойга тўплади. Тадбир космик соҳадаги сўнги янгиликларни муҳокама қилиш, давлат ва хусусий сектор манфаатлари йўлида тажриба алмашиш учун самарали майдонча бўлади. Конференция доирасида технологиялар соҳасидаги энг долзарб мавзулар бўйича 6 та сессия бўлиб ўтади.

Гулрух АБДУЛЛАЕВА

Ҳар бир лаҳзаси
умрга тенг давр

Кейинги икки ҳафта давомида юртимизда қаторасига бир нечта кутлуғ саналар нишонланди. Даставвал, муборак Рамазон ҳайити – Йид ал-Фитр яна бир бор қалбларимизни поклаган муборак Рамазонга яқун ясаб берган бўлса, 9 майда халқимиз дилидаги оғрикли яраларни эслатган Хотира ва қадрлаш кунини ўтказдик. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Бу йилги Рамазон байрами «Инсон қадри ва манфаатлари учун» деган олижаноб ғояни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида кенг кўламли ислохотларимиз янада юксак босқичга кўтарилган тарихий шароитда ўтаётгани унинг файзи ва шуқуҳини кескин оширмақда. Чиндан ҳам, дунё аҳлини ўзаро дўст ва биродар бўлиб, тотувлик ва ҳамкорликда яшашга даъват этадиган Рамазон ҳайити инсон қадрини улуғлашнинг ёрқин намунаси десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўлаемиз», деган гаплари бирон-бир юртдошимизни бефарқ қолдирмади, албатта. Тан олайлик, ҳар иккала сана давомида ҳам кейинги беш йилликдаги ўзгаришлар, айниқса, ислохотларнинг бош моҳиятига айланган – одамларни рози қилиш сиёсатининг натижаларини эсладик, ютуқлардан қувондик, яқин келажақдаги режаларни эса яна бир бор кўриб чиқдик. Зеро, одамларни рози қилиш сиёсати бугун ўз самарасини бермоқда. Қаерга бормайлик, қай бир ҳудуддаги фуқаролар ёки мутасаддилар билан учрашмайлик, одамлар ташвишини, ҳаётини муаммоларини ҳал этиш бош мақсадга айланганига амин бўлаемиз. Мунис онахону, қалби дарё отахонларимиз эса ҳар гал дуо қилганларида юрт тинчлиги ва фаровонлигини сўрамоқдалар.

(Давоми 2-бетда)



«ОЛТИН ҚАЛАМ»:
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
МАТБУОТИДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА
ТАШЛАНАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР
СИЛСИЛАСИДАН

Келгуси сонларда

ЯШАСИН
«ХАГИ ВАГИ»
ВА «ХУГИ ВУГИ» ДЕГУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

5

ФАРҒОНАДА
ДАСТГОХЛАР
ҚАНОТ ЧИҚАРИБ
УЧАЁТГАН ЭМИШ...

6



«БИР ФАРЗАНДА –
УЧ КИТОБ»

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш, жумладан, болаларни мактабгача таълим ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


5

ЛОНДОНДА
ТАМАРА ХОНИМНИ
ҚАНДАЙ КУТИБ
ОЛИШГАНДИ?

8

2018 йили мансабдор шахслар томонидан давлат ва жамият манфаатларига 556 млрд., 2019 йилда 1,858 трлн., 2020 йилда 500,1 млрд., 2021 йилнинг 9 ойида эса 658 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган...

КОРРУПЦИОНЕРЛАР ОСМОНИНИ ҚОРА БУЛУТ ҚОПЛАЯПТИ...



Равшан МАХМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, юқоридагидек ҳолатларни камайтириш осон кечмаяпти.

Шу боис, янги қонун лойиҳаси билан мансабдор шахсларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилмоқда. Яъни, Жиноят кодексининг 8-бўлими «коррупцияга оид жиноятлар» деган янги атама билан тўлдирilib, 15 турдаги жиноят таркиблари коррупцияга оид жиноятларга киритилмоқда.

Хусусан, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб, жиноят содир этса, бунинг учун 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш назарда тутилмоқда. «Пора олиш», «пора бериш» ва «пора олиш-беришда воситачилик қилиш» жинояти эса 20 йилгача озод-

ликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган бўлмоқда.

Шу ўринда қонун лойиҳасида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлардан бўйин-

ция аъзоси Даврон Арипов. Йиғилишда депутатлар «Давлат божи тўрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда

«Қонун лойиҳаси мамлакатда коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, ва албатта, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

товлаш учун ҳукм қилинган, аммо жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганларга нисбатан жазодан муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш татбиқ қилинмаслиги назарда тутилганлигини айтиш жоиз.

— Қонун лойиҳаси мамлакатда коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, ва албатта, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади, — деди фрак-

муҳокама қилдилар. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божини ундириш ва тўлашдан озод қилишдаги айрим тушунмовчиликлар тартибга солинмоқда.

Маълумки, айти пайтда нотариал ҳаракатларнинг асосий қисми фақат кўчмас мулклар, автотранспортлар олди-сотдиси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аммо давлат божини тўлашда турли тушунмовчиликлар пайдо бўляптики, бу қатъий «ставка»ларни белгилаш заруратини келтириб чиқаряпти.

Шундан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳасида уй сотиб

олишда майдоннинг қанчалигидан қатъий назар бир хил — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробар миқдорда бож ундириш таклиф қилиняпти. Амалдаги қонунчиликда бу олтига тоифага ажратилиб, олти хил миқдорда бож ундирилди, масалан, автотранспортлар олди-сотдисида ишлаб чиқарилган йили, от кучи, жами 12 та тоифага ажратилган ҳолда умумий нархнинг 10 баробар (2 700 000) игача тўлов қилинар эди. Шу боис, аксарият фуқаролар сотиб олаётган машинасини ўзининг номига расмийлаштиришдан кўра, 3 йиллик ишончнома билан юришни афзал кўряпти.

Янги қонун лойиҳасида автотини қачон ишлаб чиқарилганлигидан ва от кучидан қатъий назар БҲМнинг уч баробари, яъни 810 минг сўм миқдорда давлат божи ундириш белгиланмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси халқимиз томонидан узоқ йиллардан буён кутилаётганини таъкидлаб, иккинчи ўқишда бир овоздан маъқулладилар.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, улар бўйича ҳам фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни!

ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР ЁХУД КЎЧИМОВДАН ХАТ

Биз — асли қоратошликимиз, отамнинг таъбирлари билан айтганда, «Тошкентнинг қоқ киндиги» дан.

1921 йилда туғилган Собиржон додам ўн тўққиз ёшларида урушга кетганлар. Эсимда, Берлингача бориб, ярадор бўлган додамлар ҳақида кўплаб ҳикоялар ёзганман. Ҳатто, уларнинг айримлари болалар ва ўсмирлар нашри — «Гулхан» журналида чоп этилган. Шу баҳона журналининг ўша кезлардаги бош муҳаррири — болаларнинг сеvimли шоири ва ёзувчиси Сафар Барноев билан танишганим, кичик-кичик ҳикояларим мабуотда чоп этилгач, ўзимни худди катта ёзувчилардек ҳис қилганим кечагидек ёдимда...

Сариқ рангли 1 сўмлик пул ва 10 тийинлик танга миқдоридagi илк қалам ҳақини додам кўлимга тутқазганларида бор-йўғи ўн ёшда эдим. Ҳали 20 тийиндан кўп пулни кўрмаган қизалоқ учун бу жуда катта пул эди... Маза қилиб ёзганим учун пул ҳам беришларини билиб, роса хурсанд бўлганман ўшанда.

Бир куни додамларнинг «Ленин учқуни» газетаси бош муҳаррири Абдусайд Кўчимов имзоси билан ижодим эътироф этилган хатни кўни-қўшнилари, маҳалладошларимизга фахр билан ўқиб берганлари, ўша бир парчагина қоғозни эҳтиёт қилиб, ўзлари билан олиб юрганлари ҳалигача ёдимдан чиқмайди. Шунча орденъ ва медалларга сазовор бўлган инсонга болаларча соддалик билан ёзилган ҳикояларим, жажжигина «мухбир»га шахсан бош муҳаррир томонидан мактуб йўлланиши чиндан ҳам оиламиз ва ҳатто маҳалламиз аҳли учун катта воқеа бўлганини энди-энди ҳис этапман. Ушанда ҳикояларим таъсиридан ё эътирофлардан руҳланибми, ҳатто урушга ҳам боргим келганди...

Бугун ўйлаб қарасам, аслида мени ёзган ҳикояларим эмас, балки додамнинг жасоратлари туфайли қаламқашлар менга эътибор қаратишган бўлса, ажаб эмас. Тўқилмаган ҳикоялар тўқилганларидан афзаллигини ўшанда англаганим рост.

Кейинчалик жиддийроқ мавзуларга киришиб, ўзим ўқиган — Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабга Усмон Носир номи берилсин, деган таклиф билдирилган навбатдаги мақоламни «Тошкент оқшоми» газетасига юборганман. Бу мақоланинг ёзилишига эса ёзувчи Шукрулло домланинг мактабимизга ташрифи ва шундай улуг ёзувчининг Усмон Носир ҳақида йиғлаб гапирганлари сабаб бўлган эди.

Бироқ мақолам мавзуси ўзгартирилиб, «Усмон Носир барҳаёт» сарлавҳаси билан мўъжазгина хабар шаклида — газе-

танинг биринчи саҳифасида эълон қилинди. Орадан кўп ўтмай, мактабимизга Усмон Носир номи берилди. Ушанда мақолам мазмунидан хабардор бўлган ўқитувчимиз то мактабни битирганимча менга миннатдорлик билдирганлари, гарчи кейинчалик мактабларга ном бериш анъанасидан воз кечилган бўлса-да, бу воқеа ҳануз хотирамда сақланиб қолган.

Йиллар ўтиб, телевидениега ишга кирдим. Ушанда менинг сиёҳли ручкада, қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган мақоламга эринмай жавоб қайтарган устоз — Абдусайд Кўчимовни йўлақда учратиб қолдим. Билсам у киши УЗМТРКнинг раҳбари эканлар. Кейинчалик уларнинг бошчиликларида ўнлаб кўрсатувлар тайёрладик. Бугун устозга бир пайтлар бобо ва набиранинг кўнглини тоғдек кўтарган мактуб учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Зеро, инсон қалби эътибор ва қадрдан юксалади.

Тонг саҳарда яхши ният билан эшик очиш, Куръон тиловат

қилиш, намоз ўқиш ва ўтганларни ёд этиш ҳамда рўза тутишни асли ДОДАМДАН ўргангандик. Диний билимли инсонлар таъкиб остига олинган замонларда ҳам додам маҳалладаги барча маросимларда чўчимай маърузалар қилардилар.

Мени эса рўзадор эканимни билган ўқитувчимиз бир пиёла сувни ичишга мажбурлагани, бу ҳам етмаганидек, жазо тариқасида кечгача синф бурчагида тургазиб кўйгани ҳам ёдимда. Ушанда, додамга Куръон ўқишдан кўрқмайсизми, деб сўраганимда, эътиқодим боис тирикман болам, дегандилар...

Ҳамманинг ҳам қиз бола набиранининг қизиқиш ва интилишларини қўллайдиган, орзуларига қанот бағишлаб, эътиқодда мустаҳкам, қаҳрамон додалари, истеъдодини илғайдиган Устозлари бўлсин, илоҳим!

Феруза
МУҲАММАДЖАНОВА,
«Миллий тикланиш»
демократик партияси Марказий
кенгаши раиси уринбосари



P.S.: Ундан биринчи қатордаги биринчи суратда додам Собир Муҳаммаджанов

(Бошланиши 1-бетда)

Муҳаррир минбари

Ҳар бир лаҳзаси умрга тенг давр

Бу бежиз эмас, албатта. Тинчлик ва тотувлик, инсон қадр ва уни улуглаш ҳақида гап кетганида Давлатимиз раҳбарининг: «Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Айрим минтақалардаги можаролар тез аланга олиб, тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Буларнинг барчаси олдимизга муҳим вазифаларни қўйиб, доимо хушёр ва огоҳ, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашни тақозо этмоқда», деган фикрларини эсламаслик мумкин эмас.

Чиндан ҳам дунёнинг турли нуқталарида кечаётган нотинчликлар инсониятни хушёр ва огоҳ бўлишга чорлаяпти. Юртбошимизнинг Фалаба боғида йиғилган фахрийлар билан мулоқот пайтда айтган гаплари эса яна бир бор энг улуг неъмат бўлган тинчликнинг қадрига етиш ҳақида бўлди: «Бугун дунё таҳликали бўлиб бораёпти. Ҳар дақиқа синовли бўлаяпти. Бу бизга ҳам таъсир қиладими? Албатта, таъсир қилади. Лекин халқимиз ҳаётига шу таъсирни камайитириш бўйича чоралар кўряпти. Меҳнатимиз билан, бирдамлигимиз билан, Худо хоҳласа, бу синовлардан ҳам ўтамиз».

Бугунга келиб «Мустақиллик бир марта қўлга киритилган ва қиёматгача ҳимоя қилинадиган неъмат», деган гапларнинг туб моҳиятини чуқурроқ англаётганимиз бор гап.

Бу эса ҳар биримиздан миллатимиз етакчиси атрофида янада жипслашиб, ўз танлаган йўлимизда қатъий давом этиш, бу йўлда бир тану жон бўлишимиз лозимлигини кўрсатаёпти. Мана беш йилдирки, Ўзбекистон бунёд этиш, бой берилган имкониятларни тиклаш, шунингдек, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш, айниқса, Марказий Осиёдаги қўшиллар билан қондош-жондошликни янада кучайтириш йўлида тиним билмаяпти. Бу йўлда салмоқли натижаларга ҳам эришилмоқда. Бундай интилишларимизни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватлаш баробарида изчил эътироф ҳам этмоқда. Мутафаккирлар «Кун вайрон қилганини тиклаш учун аср керак» дейишади. Янги Ўзбекистонда эса ҳар бир янги кун бунёдкорликка, одамларни рози қилиш ва жамиятда фаровонлиқни таъминлашга сарфланаётир.

4 | 26 АПРЕЛЬ ТАРИХГА КИРАДИ...
Агар эътиборсизлик қилмасак!5 | ЯШАСИН «ХАГИ ВАГИ»
ва «хуги вуги» дегувчилар диққатига!6 | ФАРҒОНАДА ДАСТГОҲЛАР
қанот чиқариб учаётган эмиш...

«СИНИЧАЛАК»

депутат ёхуд муаммолари тўла ҳал этилган маҳалла хусусида

Мен юқорида опани тиниб-тинчимас депутат, деб атадим. Халқ билмас гапирмайди. Уни бежизга «Синчалак» депутат дейишмас экан. Нарин-бериси билан 1,5 соатлик мулоқот давомида у 8 нафар сайловчининг шикоятнамо мурожаатини телефон орқали ҳал қилди-қўйди.

Гувоҳи булганмишдек, соҳа раҳбарлари билан ҳам юзага келган масалалар юзасидан кескин гаплашди, баъзиларига мулоим, баъзиларига расмий оҳангда деганларидек... Лекин оҳанжама сўзлар сира оғзидан чиқмади... Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак»ини ўқиман китобхон топилмас керак. Ёзувчи ушбу асарда бош қаҳрамон, эл-юрт манфаати ва ҳақиқат учун толмас курашчи Саидани миттигина қуш – Синчалакка қийслади. Ана шунданми, маҳалладошлар опани эр-калаб шу қуша ўхшатишар экан. Қолаверса, бунга ўзим ҳам амин бўлдим.

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутаты Дилором Холматова ҳақидаги дастлабки тасаввурларим шу бўлди.

– 3-Маърифат сайлов округи шаҳарнинг чекка қисмидаги «Улуғ йўл» маҳалласида жойлашган бўлиб, бу манзилда қарийб 8 минг нафар аҳоли яшайди, – дейди депутат.

– Шундай бўлгач, унинг ўзига яраша паст-у баланди, оғиру енгил бор. Биласизми, мен ҳар бир сайловчи билан унинг характеридан келиб чиқиб суҳбатлашаман. Шу йўл билан унинг дилидагини тилига чиқараман. Тилига чиқдими тамом, иложи бори-ча унинг муаммоси шу ернинг ўзида ҳал этилади. Дилором – сирдарёлик машҳур пахтакор – Элчи Абдусаломовнинг кенжа фарзанди. Умрини қўриқ воҳа – Мирзачўлни ўзлаштиришга сарфлаган Элчи ота фарзандларига ўта меҳрибон бўлиш билан бирга таълим-тарбияда ўта талабчан ва қаттиққўл эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жигарбандлари учун вақт топарди. Собиқ Меҳнатобод туманидаги чоққина хўжаликни йиллар мобайнида чўлнинг кумини қаричлаб суриб, экин майдонларини кенгайтириб, республикадаги улкан, дондор хўжаликка айланган ҳам Элчи Абдусаломов бўлади. Ота умр буйи ҳалол ишлади, 3 фарзандни ҳалол едириб-чиқди, ўқитди, уларни элнинг хизматида солди. Нафақага чиққанидан кейин ҳам тиниб-тинчимасди. Бошқаларга ўхшаб қарилки гаштини сурмади, алаҳхусус охирги нафасига юрт хизматини қилди.

Элчи отанинг рафиқаси Зебунисо она ўша даврлардаги баъзи раисларнинг хотинларидек ясан-тусан, ялтир-юлтур қилиб кўчага чиқмади, курортма-курорт кезмади. Одмигина чит қўйлақда бир умр болалар тарбияси билан шугулланди. Турмуш ўртоғига камарбаста бўлди.

– Отам мард инсон эди. Ёлғонни эса жини суймасди. Ачиққўлсада, ҳақиқатни юзи-

га айтганни кадрларди, уни ўзига ошно тутарди. Одамларни диққат билан тинглаб, уларнинг муаммоларини жойда ҳал қилиб қўяқоларди. Ортиқча қорғозбозлиг-у югур-югурлардан уларни асарди. Шунинг учунми, воҳа халқи ҳалиям у кишини чуқур ҳурмат билан хотирлайди. Биз фарзандлар бундан жуда фахрланамиз, – дейди опа

“Айни кунда ички маблағларимиз ҳисобидан маҳаллада тикувчилик корхонаси, кутубхона, болалар ўқув марказини очиб режалаштиряпмиз. Ана шунда 50 дан ортиқ маҳалла аҳли иш жойи билан таъминланади.

гурур билан. Дилором Элчи-евнанинг гапларини эшитиб, элнинг машҳур нақли ёдимга тушди: олманинг тагига олма тушади! Шунданми қайтовур, боя кўрганим – ўз сайловчиларининг муаммосини диққат билан эшитиб, сўнгга телефон орқали жойида ҳал қилиб қўйишдек ижобий ҳислатлар Элчи отадан қизига ўтган экан-да! Қолган фарзандлари – Мирзо-Улуғбек ва Бувиҳадичалар ҳақида ҳам бу мулоҳазани баралла айтиш мумкин. Улар ҳам айни кунларгача юрт хизматини қўйиллатиб бажаришди ва буни давом эттиришди ҳам. Дилором Холматова (Абдусаломова) – 1988 йилда Сирдарё давлат педагогика олийгоҳини тугатгач, қатор йиллар шаҳардаги 3-умумтаълим мактабда ўқитувчи, «Нилуфар» номли 20-мактабгача таълим муассасасида мудира вазифасида меҳнат қилди. 2017 йилдан ҳозирга қадар Сирдарё вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли «Қувонч» хорижий тилларга ихтисослаштирилган таянч мактабгача таълим ташкилоти раҳбари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

– Шиддатли даврда яшяпмиз. Президентнинг Учинчи Ренессансни барпо этиш йўлидаги шаҳдам қадамлари бежиз эмас. Бу – нурли келажак йўлидаги кутлуғ ҳаракатдир. Шахсан мен Юртбошимизнинг кўйидаги пурмаъно сўзларини дилимга жо қилиб олганман. Ҳатто, уни иш столимга ёзиб ҳам қўйганман: «Биз тўхтамаслигимиз керак, тўхтасак, ўтириб қоламиз, ўтирсак, ётгимиз келади, ётсак ухлаб қоламиз». Бугунки раҳбари, менимча, шу ҳикमत асосида яшаши, ишлаши шарт. Шу сўзларни айтarkan, опанинг кўзларидан ўт чақнади.

– Депутатимизнинг фидойилиги туфайли 8 минг киши яшайдиган маҳалламизда муаммо қолмади ҳисоби. Шунинг учун биз у кишини иккинчи бора депутатликка сайладик, – дейди «Улуғ йўл» маҳалла фуқароси, партия фаоли Мурадjon Маматқулов.

– Кўчаларимизга тўлиқ шағал ётқизилди, асфальтланди. Кўча чироқларининг

барчаси алмаштирилди, газ, сув, электр таъминотидаги узиллишларга юз фоиз барҳам берилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доимий эътиборда. Худудимизнинг бирон ерида антисанитария ҳолати йўқ. Айтсам ишонмайсиз, маҳалламизда темир дафтариный ўзи тугул номи ҳам йўқ. Опа ҳаммани тадбир-

сиз. Депутатлик ташвишидан ортсангиз, вилоят кенгашида, албатта, бир юмуш чиқиб туради. Ундан бўшасангиз мактабгача таълим ташкилотининг ташвишларидан бирига рўбарў бўласиз. Қолаверса, аёл кишисиз, уйга ҳам бориб турасизми, ўзи? Бу саволимга депутат жилмайиб, охишта сўзлай бошлади.

– Турмуш ўртоғим – Шухрат Холматовнинг касби-педагог. Шаҳардаги 8-умумтаълим мактабига раҳбарлик қилади. Ўзим партияимизнинг фаол жонқуярларидан. Шунинг учун мени яхши тушунади, кези келганда қўллаб-қувватлайди. Шу боис, давлат ишлари-ю олти нафар фарзанд тарбиясида сира қийналмадик. Худого шукр, барчаси эсли-хушли. Ҳозирда ўқишяпти, ишлашяпти. Эл хизматини қилишяпти.

Мени бир мулоҳаза қийнайди: очиги кўпчилигимиз ҳали ҳамон эски замон нафаси билан яшяпмиз. Давлатга боқимандалик хисси ҳалиям баъзиларда бор. Биз Президент таъбири билан айтганда уларнинг қўлига қармоқ беряпмиз. Лекин шу қармоқни ушлашни хоҳламаётганлар ҳам оз дейсизми?! Мақтанчоқликка йўлманг-у мен раҳбарлик қилаётган таълим муассасаси 2017-2021 йилларда қарийб 300 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топди. Қандай қилиб дейсизми, боғчамизда рус, инглиз, ўзбек тилларини ўргатадиган 20 та пуллик курслар, шахмат-шаш-

корликка, томорқадан самарали фойдаланишга ўргатди. Опанинг еринг бўлатуриб, бозордан сабзи-пиёз сотиб олишга уялмайсанми, деган даққисидан ийманиб барчамиз томорқадан кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириб, оилаларимизни таъминляпмиз. Ортиқсирини бозорда пуллаб, рўзгорни бутлашга ўргандик, – дейди суҳбатдошимиз.

– Шаҳардаги «Сайхун» бозорида қатор йиллардан бўйиб тадбиркорлик қилман. Ўзим шу ерда яшяман. Опа бизларниям «тинч қўймайди», – дея қулиб гап бошлади Ботир Холматов исми йигит. – Маҳалладаги барча тадбиркорларга шу ерлик ёшлардан 10 нафардан бўлиб берилган. Уларни иш билан таъминлаш, иссиқ-совуғига ўзимиз «балогадон»миз. Бўлмаса опадан нақд балого қоламиз-а. – Ҳамсуҳбатимиз хушчақчақ кайфиятда биз билан бўлашади.

– Маҳаллада яшовчи кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари ўқиши учун тўлов контрактни ўз вақтида амалга оширишни опа бизга «юклаган». Бу савобли ишга бош қўшганимиздан хурсандимиз очиги, – дейди шу ерлик тадбиркорлар Эркин Турдубоев ва Мурод Холиқулов. – Шу кунгача 5 нафар талабанинг контракт пулларини тадбиркорлар баҳамжиҳат тўлаб бердик. Келажакда улар шу юртга хизмат қилиб, буни оқлашига ишончимиз комил. – Опа бизга буни ётиги билан англагач бу ишга бажонидил рози бўлди. Ахир ортимиздан савоб ҳам қолиши керак-ку! Буни бизга вақтида англаган депутатимизга минг раҳмат.

Холматованинг ташаббуслари-ю одамларнинг қалб сўзларини эшитиб, яйрайдими. Маҳалла кезар эканми, ҳазилмомуз тарзда депутатга гап қотдим.

– Ишларингизни кўрдик, одамлар билан суҳбатлашдик. Шунга қараганда эрта-ю кеч илдасиз. Боз устига жамоатчилик асосида партия вилоят кенгаши раисининг Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари ҳам экан-

ка, таэквондо, бадий гимнастика, ментал арифметика, компьютер саводхонлиги бўйича таълим берадиган 11 та тўгарак очдик. Биласиз, боланинг ёшлигида берилган илм тошга ўйилган нақшдек бўлиб қолади. Қолаверса, боланинг ёшлигида зехни ўткир бўлиб, бу билимларни тез ва осон ўзлаштиради. Ишонсангиз, нафақат Гулистон шаҳридан балки вилоятнинг чекка туманларидан ҳам мижозлар ёпирилиб кетди. Маълумки, ҳар қандай ота-она ўз боласининг илмли бўлишини истайди. Натижада топилган маблағ ҳисобидан боғчанинг моддий-техник базаси яхшиланди. Таъмирлаш ишларини кўнгилдагидек бажардик. Ишчи-ҳодимларимизни моддий рағбатлантиряпмиз. Бундан барча хурсанд. Айни кунда ички маблағларимиз ҳисобидан маҳаллада тикувчилик корхонаси, кутубхона, болалар ўқув марказини очиб режалаштиряпмиз. Ана шунда 50 дан ортиқ маҳалла аҳли иш жойи билан таъминланади.

Кези келганда айтиб ўтай, ўтган йил охирилариде партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммеджанова боғчамизда бўлиб, фаолияти билан яқиндан танишди. Амалга оширилган ишларни қўриб, жуда хурсанд бўлди. Кетар чоғларида бир аjoyиб фикрни айтиб қолди: худудимиздаги 3 та боғча, 1 та мактаб раҳбарларининг ҳам «қўлларига қармоқ олиш-

да кўмаклашим»ни илтимос қилди, ўз ташвишларим билан бўлиб, бу ҳақда уйлаб кўрмаган эканман, очиги биров ҳижолат тортиб, ўринбосар пойтахтга етмаслариданоқ таълим даргоҳлари раҳбарларини бир жойга тўплаб, маслаҳатлашдик. Натижада «қармоқ» иш бериб, улар ҳам ўз фаолиятини йўлга қўймоқда. Хуллас, худуддаги барча таълим муассасаси раҳбарлари берилган самарали таклиф учун Феруза Муҳаммеджановадан миннатдор.

Опа билан суҳбатимиз яқунланиб, ортага қайтар чоғимда у бир мулоҳазани ўртага ташлади.

– Республикадаги барча мактабгача таълим муассасаси ходимлари ҳар 6 ойда тибибий кўрикдан ўтишлари шартлиги мавжуд ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун 70 минг сўм, бир йилда эса ҳар бир ходим 140 минг сўми ўз ойлик маошидан тўлаши шарт. Тиббий кўриқдан ўтмаса, ишлашга рухсат берилмайди. Шунинг учун мутасаддилар бу масалани бир уйлаб кўриб, «боғча опалар»нинг тиббий кўриқдан ўтишларини бепул қилишса бўлмасмикан? Зеро, улар миллат келажаги эгларини тарбиялашяпти-ку.

Опа билан хайрлашарканман, унинг бу мулоҳазасини газета орқали мутасаддиларга етказишга ваъда бердим...

Абдуғаффор ОМОНБОВ, журналист

Маънавият

Китоб — ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси томонидан Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаб кутубхоналарини жаҳон ва ўзбек бадий асарлари билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уюшма томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбирда агентлик тизимидаги ижод мактабларига адабий-бадий китоблар тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси раиси ўринбосари Ботиржон Эргашев, Президент таълим муассасалари агентлиги директори ўринбосари Дилшод Кенжаев, ёзувчи Маъмура Зоҳидова ва бошқалар китобхонликни тарғиб этиш масаласи юртимизда тобора кенг қулоқ ёзаётганини таъкидлашди.

Ёзувчилар уюмси томонидан яқинда нашр этилган адабий-бадий китоблар Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларга тақдим этилди. Шунини таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2021



йил 19 июлдаги «Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ мактаб кутубхоналарини жаҳон ва ўзбек бадий асарлари билан бойитиш йўналишида Ёзувчилар уюмси тизими ишлар олиб бормоқда. Тадбирда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан адабий-бадий театрлаштирилган дастур намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА, Ўза

ОБУНА-2022!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

158

Обуна индекси



26 АПРЕЛЬ

ТАРИХГА КИРАДИ...

Агар эътиборсизлик қилмасак!

26 апрель кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларига доир видеоселектор йиғилишидан кейинги мулоҳазалар...

Туризм бутун дунёда энг жозибдор соҳалардан ҳисобланади. Аини пайтда туризм нафақат маданий ҳордиқ чиқариш соҳаси, балки катта бизнесга ҳам айланди.

Туризм тарихи шунинг кўрсатмоқда: XX асрнинг 50 йилларидаёқ Италияда туризмни тартибга солувчи қонун қабул қилинган, АҚШ ва Европанинг бошқа давлатларида туризм моделлари яратилган. Мариотта, Кемпбел, Тунен, Турота, Лундгрэн, Пирс, Брутон моделлари шулар жумласидандир. Натижада бугун Нью-Йорк, Токио, Лондон, Париж, Пекин, Дубай, Гонконг, Сеул, Шанхай, Барселона каби шаҳарларда бутунжаҳон туристик марказлари яратилиб, бугунги кунда ҳам улар миллионлаб сайёҳларга хизмат кўрсатапти.

Ўзбекистонда ҳам халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда туризмни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Айниқса, кейинги 5 йилда амалга оширилган ўзгаришлар нафақат ички, балки ташқи туризмда ҳам ўзининг ижобий намунасини ифода этмоқда.

Қайд этиш жоизки, айнан ана шу йилларда туризм хизматлари экспорти ҳажми икки баравар ошди ва 2017 йилда 546,9, 2018 йилда эса 1 041 миллион долларни ташкил этди. 2016 йилгача меҳмонлар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни, 2017 йилда – 7 фоизни ташкил қилиб, жами 2,69 миллиондан ошди. Маълумотларга қараганда, 2018 йили республикага 5,3 миллион хорижий турист ташриф буюрган. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга

қаратилган чора-тадбирлар натижасида, 2015 йили 398 тани ташкил этган туризм ташкилотлари сони 2018 йил якуни бўйича 950 тага, меҳмонхона хўжаликлари сони эса 661 тадан 900 тага етган.

Ўтган даврда туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун йирик инвестициявий лойиҳалар ҳам амалга оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида «Hyatt Regency Tashkent» ва «Lotte City Hotel Tashkent Palace» брэндли меҳмонхоналар очилди. Наманганда «Афсоналар водийси», Бўстонликда «Амир-сой» мажмуалари, Хонободда сайёҳлик маскани фаолият бошлади. Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳрида маданий-кўнгилочар боғлар ташкил этилди. «Ангрен-Поп» темир йўли, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига тезкор поездлар учун электрлаштирилган темир йўллари очилди.

Хорижий туристлар учун виза режими, Ўзбекистонда бўлиш қоидалари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш тартиблари соддалаштирилди. Қўшимча 9 та, умумий 18 та давлатга эса визасиз режим жорий этилди, фуқароларига кириш визаларини беришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган давлатлар сони 12 тадан 50 тага кўпайди. Электрон кириш визаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тизими ҳам ишга туширилди, Ўзбекистон ҳудудидан транзит билан ўтаётган 101 давлат фуқароларига Ўзбекистонга визасиз кириш, вақтинча бўлиш ва фуқароларни ўтказиш пунктлари орқали чиқиш тартиби жорий этилди.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм

тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, маданий мерос объектларига зарар етказганлик учун жазо чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро ва Бухоро вилоятида 2017-2019 йиллар учун сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «2018-2019 йилларда сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида», «Чорвоқ» эркин туристик зонасини барпо этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», «Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва Қарорлари қабул қилинганлини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аммо 2020 йилги коронавирус пандемияси барча тармоқ ва соҳалар қатори туризм йўналишидаги «йўлларни ҳам ёпди. Натижада жаҳон туризм бозорига «Тиббиёт туризми», «Глемпинг», «Чемпинг», «Slow-туризм», «Виртуал саёҳат» каби йўналишлар пайдо бўлди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам пандемия шароитида соҳа ривожини таъминлаш, ички ва зиёрат туризми оқимини кўпайтириш чоралари кўрилди. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадидида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сони 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 9 миллион нафарга етказиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Бу борада жорий йил би-

ривожлантиришга эса 73,1 млрд. сўм лимит белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 26 апрелдаги видеоселектор йиғилишида эса туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатидаги ўрнини кучайтириш, мамлакатнинг ижобий имижини туризм ва инвестиция салоҳияти, тарихи ва маданиятини дунёга тарғиб қилиш

валларни ўз ичига олади.

Ички туризмни ривожлантириш йўналишида эса 2022 йил 1 июлдан бошлаб туризм қишлоқларда меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинандиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизни тўлаши белгиланди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида бундай қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эко-уйлар мажмуасига 300, чодирли лагерлар қуришга 300 миллион сўмгача кредитлар берилади. Ҳар йили туризм қишлоқларининг 200 нафар ёшлари бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида бепул ўқитилади.

Эътиборлиси шундаки, бу йилдан бошлаб барча давлат ташкилотлари ходимлари учун йилига бир марта маҳаллий саёҳатга чиқиш харажатларининг 20 фоизини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш амалиёти йўлга қўйилади. 1 сентябрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилаётган фуқароларга авиа, темир йўл ва автобус чипталари нархининг 15 фоизи, меҳмонхона харажатининг 20 фоизи, музей ва бошқа маданият объектларига чипта нархининг 50 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда «Санъатни халққа яқинлаштириш» дастури доирасида ҳудудларда музейларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил қилиш, юртимиздаги 4 минг 500 дан ортиқ археология ёдгорлигини очиб осмон остидаги музейларга айланатириш вазифаси қўйилди.

Транспорт вазирлигига эса сайёҳларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида 1 июлдан бошлаб, «Зиёрат туризми» дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилиниб, 1 октябрга қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги «Silkavia» компаниясини ташкил этиш, харажатларни камайтириш мақсадида 9 та самолётни тўлиқ эконом-классга ўтказиш топшириғи берилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Давлатимиз раҳбари томонидан туризм соҳасида белгиланган вазифалар келгусида мамлакатимизда қўлай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, туризм соҳасини жадал ривожлантиришга, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини оширишга, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини янада такомиллаштиришга, пировардида юртимизга келаётган сайёҳлар оқимининг ортишига хизмат қилади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришга 29,4 млрд сўм, маданий мерос соҳаси объектларини ривожлантиришга 117,3 млрд сўм, музейлар фаолиятини яхшилашга 43 млрд сўм, туризм соҳасидаги таълим муассасаларини ривожлантиришга эса 73,1 млрд сўм лимит белгиланди.

2022 йилда мақсадли бозорларда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш орқали пандемиядан сўнг давлатлар кесимида хорижий туристлар сони 2022 йилда 2,7 млн нафарга етказиш бўйича маркетинг стратегияси ишлаб чиқиلىб ижрога қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида туристлар оқимини кўпайтириш бўйича «йўл харита»си тасдиқланди. Унда «Буюк ипак йўли» трансгеарвий сайёҳлик йўналишини йўлга қўйиш, гастрономик, вино, экстремал, қишқи ва бошқа туризм турлари бўйича махсус турпакетлар яратиш ва бошқа кўплаб амалий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

26-28 март кунлари Қорақалпоғистон Республикасида туризм ва маданий мерос соҳалари салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар, жумладан, янгидан ташкил этилаётган туризм инфратузилма объектлари ҳамда Мўйноқ аэропортининг ишга туширилиши ва Тошкент-Нукус-Мўйноқ илк авиақатнови йўлга қўйилиши муносабати билан пресс-тур ташкил этилди.

«2022 йилда Республикада ўтказиладиган маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвим режаси» тасдиқланди. Бунда 61 та халқаро миқёсдаги тадбирлар, 62 та республика миқёсидаги тадбирларни ўтказиш режага киритилди.

Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ва обдонлаштириш ҳамда туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантиришга доир лойиҳалар рўйхати тасдиқланди. Туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришга 29,4 млрд. сўм, маданий мерос соҳаси объектларини ривожлантиришга 117,3 млрд. сўм, музейлар фаолиятини яхшилашга 43 млрд. сўм, туризм соҳасидаги таълим муассасаларини

орқали ошириш, юртимизни туризм ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш йўлидаги ислохотларни жадаллаштириш мақсадида Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари олдида бир қатор вазифалар қўйилди.

Жумладан, йиғилишда 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг фақат 18 тасидан фойдаланилаётгани танқид қилиниб, Қамчиқ довоғида жойлашган Арашан кўллари, Чимбой, Қораўзак ва Тахтақўпирдаги термал булоқлар атрофида санатория-курортлар ташкил қилиш, сайёҳларни жалб қилишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан самарали фойдаланиш кераклиги таъкидланди.

Ҳар бир вилоятда эса туристларни ўзига жалб этадиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги ҳам таъкидланди. Президентимиз бу борада Бойсунда дунёнинг энг чуқур ғорларидан ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорлари, қадимий эллин маданияти ёдгорлиғи бўлмиш Узундара қалъаси атрофларида меҳмонхона, кемпинг, «дор йўли», туристлар уйлари ташкил этиш орқали 500 минг сайёҳни жалб этиш мумкинлигини эътироф этдилар.

Бундай имкониятлар Бўстонликдаги Товоқсой, Охангарондаги Овжасой, Ангрендаги Янгиобод, Шаҳрисабздаги Мираки, Янгиқўрғондаги Нанай, Полдаги Чодак қишлоқларида ҳам бор.

Нукусдаги Ашиққўл, Бухородаги Зикриқўл, Жиззахда Айдарқўл ва Тузкун кўлида худди Чорвоқдагидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкин.

Йиғилишда «Ўзбекистон туризм магистрали» бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотурагоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилғи қўйиш каби хизматларни қамраб олган «Карвонсарой»лар барпо этиш чоралари ҳам белгиланди.

Тошкент шаҳрида хорижий туристлар учун камида 3 кунга мўлжалланган «1 минг долларлик хизматлар тўплами» шакллантирилади. Бу дастур йил давомида ишлайдиган аквапарк ва мавзунли парклар, гастрономик ва савдо кўчалари, жонли ижро концертлари, шоу ва фести-

✓ Кутинг!

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ НЕГА СУКУТ САҚЛАМОҚДА?

Парламент нашри – «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳмат бонг урди, аммо депутатлар сукут сақламоқдалар. «XXI аср» газетаси орқали Норқобил Жалил муаммога кескин муносабат билдирди. Лекин жамиятнинг «бош» партияси O'zLiDeP жим. «Ишонч» бош муҳаррири Хусан Эрматов масала моҳиятини ҳижжалаб тушунтириб берди, бироқ парламентимиз бу чиқишга ҳам ишончсизлик билан қаради... Наҳотки миллий парламентимиз учун миллий матбуот – жамиятда ижтимоий фикрнинг шакллантирадиган, онг, тафаккуримизни, қарашларимизни ўзгартирадиган асосий «қурол»нинг жангга шай, шай эмаслиги қизиқ бўлмаса. Эртага кеч бўлади. Чунки...

Келгуси сонларда

МУНОСАБАТ

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, компьютер ўйинларининг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузлик «иллати»ни тарқатиш хусусиятига эга, 41 фоизида ўйин қаҳрамони ўз мақсадига етишиш учун зўравонлик содир этади. 17 фоиз ўйинларда эса ана шундай ёвузлик бош мақсадга айланган. Эътибор беринг: айланган эмас, айлантирилган...



ЯШАСИН «ЖАГИ ВАГИ»

ВА «ХУГИ ВУГИ» ДЕГУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Менталитетимизга мос бўлмаган, баъзан қаҳрамонликдан кўра, ваҳшийликка тарғиб этаётган бундай ўйинлар фарзандларимиз ахлоқига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир қарашда оддий кўрингани билан замирида зўравонлик гоёлари ва ёвузлик кайфиятини уйғотаётган ўйинларнинг жиддий хавф эканини ҳатто сезмаяпмиз ҳам.

Минг афсуски, бундай гоёвий тузоқлар ёшларга мойдек ёқиши билан ҳам хатарлидир. Зеро, беозоргина кўринадиган ўйинларга фарзандларимиз тақлид қиляптилар. Бу ҳеч кимга сир эмас.

Олий Мажлис Сенати маълумотларига кўра, 2021 йилнинг декабрида миллий домен ҳудудидаги 91 та веб-сайтда ёшларни беҳаёлик ва маънавий бузуқликка тарғиб қилувчи ҳолатлар аниқланган. Умумий ўрганишлар бўйича 2 097 та қонун бузилиши ҳолати қайд этилган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи 130 га яқин гуруҳ, саҳифа ва каналлар борлиги аниқланган. Ҳатто, айрим бадиий фильм, реклама, мусиқа ва клипларда ҳам фақат пул, бойлик ҳамда маънавий-сизлик тарғиботига доир «саҳна»лар мавжуд.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, болаларни 2,5 ёшдан

бошлаб «фаол томоша-бин» деб аташ мумкин. Ҳўш, улар севиб томоша қиладиган мультфильмларнинг қандай салбий ва ижобий жиҳатлари бор? Барча мультфильмлар ҳам бола шахсини ривожлантиришга қаратилганми?

Қайд этилишича, мультфильмларни назоратсиз томоша қилиш боланинг кўриш қобилияти, руҳияти ва ҳатто унинг вазнига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан.

Маълумки, халқаро талабларга кўра, мактабгача ёшдаги (3-7 ёш) болаларга кунига 30 дақиқача, болангич синф ёшдаги болаларга эса (7-10 ёшгача) 30-50 дақиқача мультфильм томоша қилиш тавсия этилади. Ундан катта ўқувчилар (11-18 ёш) кунига 1-3 соат давомида мультфильм кўришлари мумкин.

XXI асрни «компьютер технологиялари асри», «тезлик асри», «техника асри», «интернет асри» деймиз. Аммо бу аср маънавий хуружлар асрига ҳам айланди. Бу хуружлар эса инсонга руҳан таъсир этувчи воситалар орқали амалга оширилади.

Хусусан, бугун 2-12 ёшгача бўлган болалар орасида тез оммалашаётган «хаги ваги», «хуги вуги», «киси миси», «сиренголовый» ҳамда турли ўйин, видеоролик ва юмшоқ ўйинчоқлар ҳам шулар жумласидандир. Бу эса

болаларимизга психологик жиҳатдан салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, мазкур ўйинлар оқибатида бола табиатига хос бўлмаган ваҳшийликлар (уруш, одам ўлдириш ва бошқа номақбул ҳатти-ҳаракатлар) оддий ҳолга айланмоқда.

Тарихга назар солсак, «Кальмар», «Кўк кит» ўйинлари ҳам шу зайдда оммалашиб, кейинчалик ёшлар орасида содир этилган суицид ҳолатларига сабаб бўлганини англаб етамиз. Юқорида номи қайд этилган ўйинлар эса «Кўк кит»нинг давомчиларидир.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, мультфильм орқали болаларга ҳар қандай гоёни синдириш мумкин. Чунки у ҳали онгу шуури шаклланмаган болажонларга мисоли дўст. Маълумки, интернет, телевизорларда ҳар қандай ёшдаги болага мўлжалланган миллионлаб анимацион фильмлар бор ва улар сони, қамрови кун сайин ортиб бораётган. Тан олиш керак, аксаримиз дунёдаги энг қиммат бойлигимиз — болаларимиз тарбиясини мультфильмларга «топириб», хотиржам бўлишга ўрганиб қоляпмиз. Аслида бу келажақка, миллатга бўлган хиёнатдир.

Зўравонлик ва шафқатсизлик гоёлари синдирилган бундай мультфильмлардан йироқ бўлишимиз учун эса энг аввало, ота-оналар, ўқитувчилар, маъ-

навият тарғиботчиларидан янада хушёрлик, уйин ичидаги «ўйинлар» таъсирини тушиб қолмаслик, гоёвий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламни кенгайтириш талаб қилинади.

Мутахассисларнинг фикрича, TikTokдаги 99 фоиз видеолар ҳам фойдаланувчиларнинг онги ривожланишига халақит берар экан.

Яқинда юқоридаги масалалар юзасидан таълим муассасаларида ижтимоий сўровнома ўтказиб, юмшоқ ўйинчоқ сотиладиган дуконлар ва бозорлар, йирик савдо комплексларида ўрганишлар олиб бордик. Шунини қайд этиш жоизки, сўровда қатнашган ўқувчиларнинг 70 фоиздан кўпроги ўйин персонажларини ўз қаҳрамонлари ҳисоблашиб, уйларида ҳам шундай ўйинчоқлари борлигини билдиришди. Минг афсуски, бугун дукон ва бозорларда, йирик савдо комплексларида ҳам «хаги ваги», «хуги вуги», «киси миси», «кили-мили» каби юмшоқ ўйинчоқларнинг бозори чаққонлашиб, ҳатто улар катта ёшлар орасида ҳам «тренд»га айланмоқда. Бу эса, афсуски, балиқ бошидан сасиётганига жиддий ишора бўлиши мумкин.

Наргиза ҲАМИДОВА,
Мухлиса ЭРГАШЕВА,
партия Марказий
кенгаши ходимлари



ЁШЛИК БЕКОР ЎТМАСИН

Бекорчилик – иллатларга эшик очади. Шунинг учун ҳам юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шисизликка барҳам бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, дейиш мумкин. Маҳаллада ўз фаолиятини бошлаган ёшлар етакчилиги, ҳоким ёрдамчиларининг асосий мақсади ҳам муаммоларга ечим излаш, ишсизларни иш билан банд этиш, ва албатта, ислохотлар моҳиятини одамларга тушунтиришдан иборатдир. Айнан шу мақсадда ушбу институт жорий этилиб, ҳоким ёрдамчиларига ёшон билдирилди.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 47 214 нафар 18-30 ёшдаги ёшлар бўлиб, улардан 24 135 нафари қизлардир. Шўрчилик ёшлар айна пайтда 74 та мактабда таҳсил олмақда. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида эса болалар мусиқа мактаби, маданият уйи, туман марказий кутубхонаси, шаҳар кутубхонаси ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият олиб борапти. Туманда жами 43 мингдан зиёд ўқувчи бўлиб, ўтган ўқув йилида 3 365 нафар йигит-қиз мактабни тамомлади. Шундан илмга чанқок, изланувчан ёшларнинг 810 нафари талабага айланган бўлса, афсуски, 2 555 нафари ишсизлар рўйхатига кириб қолди. Шу ўринда ишсизлар сонининг ошиши мигрантлар сонининг ўсишига олиб келаётгани ачинарли. Айтиш жоизки, айна пайтда шўрчилик 3 800дан зиёд ёшлар хорижда юрган бўлса, уларнинг 194 нафари қизлардир. Энг ачинарлиси, шундаки, ўқувчи ёшларимиздан келажақдаги орзу-мақсадларини сўрасак, уларнинг аниқ қарори ва интилиши йўқлиги маълум бўлади. Балким, бу ҳолатга айрим ота-оналарнинг эътиборсизлиги ёки ўқитувчининг болаларни мактабга қизиқтира олмаганлиги ҳам сабаб бўлгандир.

Аммо шунинг тан олишимиз жоизки, асосий муаммо — бу ўқувчи ёшларнинг таълим олишга тобора бефарқлашиб бораётганидир. Агар бола китоб ўқимаса, фанларга қизиқиб, ўзлаштирмаса уларни ҳеч ким бунга мажбурлай олмайди. Худди шундай мактабни тамомлагач, чет элга ишлашга кетишни ҳеч ким уларга тавсия қилмайди. Маълумки, мактабни тамомлаётган ёшларни касб-хўнарга йўналтириш учун техникум ва касб-хўнаре кўлиб коллежлари

фаолият юритмоқда. Аммо булар ишсизликнинг олдини олишга етарли шароит яратиш имконини бермаяпти. Шўрчи туманида ҳам асосий муаммолардан бири бу — ишсизлик. Ҳатто, тўлов-шартнома асосида ўқиётган талаба ёшлар ҳам контракт пулларини тўлаш мақсадида иш излаб, кўплаб ташкилотларга мурожаат қилмоқда. Шу ўринда ишсизликнинг асосий сабаби туманда йирик корхона ва ишлаб чиқарувчи қувватларнинг йўқлигидир. Шунинг учун ҳам мутасадди ташкилот вакиллари туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг муаммо ва тақлифларини эшитиш, уларга ечим топиш мақсадида тез-тез учрашувлар, қабуллар ташкил қилишяпти. Йигит-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари, ўзини-ўзи банд этишлари учун эса имтиёзли кредитлар берилляпти. Натижада қорвачилик, деҳқончилик, паррандачилик гуенчилик, асаларичилик тармоқларини ривожлантириш орқали ўз-ўзини банд қиладиган ёшлар сони ортиб бораётган. «Шалдиқор» маҳалласида истиқомат қилувчи Жасур Саидов ҳам ҳоким ёрдамчиси билан маслаҳатлашиб, куёнчиликка кўл урганини, банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 300 дона насли куён сотиб олганини айтиб берди. — Куён тез кўпайиб, қисқа фурсатда катта бўлишини ҳисобга олсак, куёнчиликнинг сёрдаромад ишлиги маълум бўлади, — дейди Жасур. — Ҳозир уйимда гўё ҳазина бордек. Масъулият ва қизиқиш билан ишлаяпман. Термиз шаҳридаги ошхоналардан бири билан шартнома қилиб, куён гўшти етказиб бермоқдаман. Ҳа, чиндан ҳам хоҳиш бўлса имкон топилади. Бунга эса Шўрчи туманидаги ёшлар фаолияти мисол бўлиши мумкин.

Шаҳло ТАНГИРОВА

✓ Оммавий китобхонлик ойлиги

«Бир фарзандга — уч китоб»



Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш, жумладан, болаларни мактабгача таълим ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилояти Бўка тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотиде «Оммавий китобхонлик ойлиги» доирасида «Китоб бизнинг дўстимиз» номи китобхонлар сайли ўтказилди.

Унда Тошкент вилояти Мактабгача таълим бошқармаси масъул ходимлари, ташкилотнинг ҳудудий бўлими ходимлари, Республика Маънавият

ва маърифат маркази Бўка тумани бўлими мутахассислари, тарбиячи-педагоглар, болалар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Асосий эътибор оилаларда китобхонлик муҳитини шакллантириш, болаларга мустақил фикрлашни ўргатиш ва бу жараёнда ота-оналарнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилди. Шундан сўнг мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларни рағбатлантириш ва бошқаларга ўрнак сифатида кўрсатиш мақсадида «Китобхон оила», «Китобхон бола-

жон» кўрик-танлови, «Ойижоним ўқиб берган эртақлар», «Ўн икки ой — ўн икки аллома», «Китоб-илм чашмаси» каби мавзуларида ота-оналар, тарбиячи-педагоглар ҳамда тарбияланувчилар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, «Фарзандимга китоб совға қиламан» шиори остида «Бир фарзандга — уч китоб» акцияси ташкил этилди.

Фаол иштирок этган ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари, тарбиячи-педагогларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

А.МУСАЕВ, Ўза

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуридан



Партия ёш авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ташаббусини илгари суради.



ДАСТГОҲЛАР

ҚАНОТ ЧИҚАРИБ

УЧАЁТГАН ЭМИШ...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи, полковник Муҳиддин Жўраевга!

Хурматли Муҳиддин Уткирович!
Ушбу мақолада кўтарилган масала эътиборсиз қолмаслиги учун ҳам уни айнан Сизнинг эътиборингизга ҳавола тарзида ёздик. Тўғри, мақола «қахрамон»лари дея эътироф этаётганимиз – «буюк» терговчиларнинг ким ва қандай «удуг»лиги шарофати ила «қахрамон»га айланганликларидан Сиз беҳабарсиз. Аммо умид қиламизки, кўтарилаётган муаммоли масала сабаб уларнинг «ижодкорлик фаолияти билан танишиш имконияти пайдо бўлапти. Чунки, Фарғона аҳли хусусан, кўплаб соҳа вакиллари Сизга «ўта принципиал ва ҳалол» деган таъриф беришди. Бундан ташқари, кимлар учундир арзимас туюлган бундай «мақола»чалар орқали Сизга кимлар билан ишлаётганингиз, Давлат раҳбари эътиборида турган қатлам вакиллари ИИБнинг айрим куйи бўғин ходимлари қай даражада эътибор қаратаётганини ҳам билиб олиш имконияти пайдо бўлмоқда. Энди муҳбирларимиз томонидан тайёрланган мақолага ўтсак:

... Мен Райимжонни бисотимдаги жамики яхши сўзлар билан узоқ юпатдим. Тўғриси, шундан кейин у бироз таскин топгандек бўлди. Кўзларида умид учкунлари кўринди... Кетишга чоғланаркан, сўнгсиз илинж билан кўзларимга термудди-да адолат бир кунмас бир кун юзага чиқишига ишона бошлаганини айтиб, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳақиқат эгилади, букилади аммо синмайди. Бошқаларни билмадим-у шахсан мен боболарнинг бу ноёб, ҳикматига ишониб-иқониб келганман. Ва... ана шу эгилган ҳақиқатнинг вақт ўтиб ўз қаддини камон ўқидек яна тиклаганига журналист сифатида кўп бора амин бўлганман.

Лекин эгилса-да, синмайдиган ҳақиқатни майиб қилишасанчи!!! Умуман шундай бўлиши мумкинми ўзи?! Райимжонни кузатгач, иш столига ўтирарканман, миямни шу ва шу каби қатор саволлар тинимсиз пармалай бошладим.

Ўзбекистоннинг ноёб гавҳари, дея таърифланадиган Фарғонада нима-лар бўлапти ўзи! Умуман, қилни қирқ ёрадиган, лозим тақдирда билим ва тажрибасини тўла ишга солиб, ҳатто балиқни ҳам тилга киритиб юборадиган Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармасининг айрим мутасаддилари қаяққа қарашяпти?!

Учинчи Ренессансни-ку қўя туррайлик, наҳотки Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг жиллақурса эпкини Фарғонанинг айрим «соҳаларига» ҳануз етиб бормаган бўлса!

Вилоят ҳокими, секторлар раҳбарлари, ҳар бир Қонуннинг ижроси ва назоратига масъул вилоят прокуратураси масъуллари қаерга қарашяпти ўзи?!

Ахир Юртбошимиз томонидан ўтказилаётган ҳар бир йиғинда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очиб, умуман мазкур соҳага жиддий ғамхўрлик ва эътибор қаратиш лозимлиги, бунинг учун ҳар бир худуднинг тегишли раҳбари шахсан масъул экани бот-бот ўқтириляпти-ку!

«Одамларни рози қилмаган, инсон қадрини тушунмаган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ».

Яқиндагина Президентнинг ушбу таъкиди янграган видеоселектор йиғилишида қатнашган фарғоналик раҳбарлар наҳотки бу сўзларнинг асл моҳиятини англаб етмаган бўлсалар! Бизнингча шундай, акс ҳолда фарғоналик тадбиркор Райимжон Узоқов деярли 16 ойдан буён адолат истаб, саргардон бўлиб юрмаган бўларди. Қолаверса, сўнгги илинж билан журналистларга арзнома кўтариб келмасди...

Шу ерда унинг арз-доди битилган шикоятномадан кўчирма келтиришни лозим топдик:

«Мен – Узоқов Райимжон 1982 йилда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги «Даҳана-Қақир» МФЙда туғилганман. Оилалиман, 4 нафар фарзандим бор. Қатор йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман ва ҳозирда «NON-SHOH Plast» МЧЖ таъсисчиси ва раҳбариман.

2019 йил 1 апрель куни 1-сонли шартномага асосан бир ташкилотдан қиймати 532 млн. сўмлик полиэтилен чиқиндиларни қайта ишлаш дастгоҳини ижарага олдим.

Ушбу ускунани Марғилон шаҳридаги собиқ газ аппаратлари ишлаб чиқариш корхонаси худудига унинг раҳбари Умар Ҳожи Махмудовнинг таклифи билан ўрнатдим. Чунки у менга керакли хомашё сотиб олиш учун зарур маблағни бериб туришни ва звозиға қайта ишланган маҳсулот сотувидан тушган соф фойдани тенг бўлишини таклиф этди. Хуллас, 2020 йилнинг ноябрь ойида шерикчилик асосида иш бошладим. Дастлабки фаолиятим яхши бошланди. Тайёр хомашёға харидорлар пайдо бўлди. Бу орада вилоят Микрокредитбанкдан йиллик 21 фоиз устама билан бир йилда қайтариш шarti асосида 600 млн. сўм кредит ҳам олдим. Мақсадим ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, хомашё сотиб олиш эди. Ҳа, дарвоқе, мен мазкур кредитни олишда ижарага олинган полиэтилен чиқиндиларни қайта ишловчи ускунани унинг эгасининг розилиги билан гаровга қўйдим.

Ишим ривожланиб кетди. 100 нафар одам иш билан таъминланди. Уларнинг ўртача ойлик маоши 2-4

млн. сўмни ташкил эта бошлади. Меҳнатнинг самараси ўлароқ фойда тушуми ҳам кўпая борди.

Бироқ орадан бир ой ўтар-ўтмас шеригим – Умар Ҳожи Махмудов мени шерикчиликдан бутунлай четлатиб қўйди. Яъни, ишлаб чиқариш жараёни кетаётган корхонага умуман киритмай қўйди. Уни инсофга чақариш учун кўп уриндим, аммо у мен билан гаплашишни ҳам истамади. Шу тариқа кунлар ва ойлари ўтказдим. Ҳожи аканинг инсофга келишини кутдим,

кун ўтгач, Райим Узоқовга тегишли бўлган дастгоҳни худди шу корхона омборида қисмларга бўлиниб, тахлаб қўйилганлигини кўрганман. Аризага биноан корхонага келган ИИБ ходимларига бу ҳақда айтсам, хўмрайишиб гапларимни эшитишни ҳам иштамади. Тўғриси, улар корхона омборини кўздан кечиришни ўзларига эп кўришмади. Зотан улар апрель ойида келишган, ускуналар эса омборда тахланиб турганди»...

– Хуллас ҳозирда дастгоҳ берган

Оғирлиги 12 тонна, узунлиги 36 метр бўлган бутун бошли улкан дастгоҳ қандай қилиб бирданига йўқолиб қолиши мумкин?! Ахир у игна эмас-ку. Ёки осмонга учиб кетдимми?!

очиғи. Бироқ бундай бўлмади, аксинча 2021 йилнинг февраль ойида мен томонидан ўрнатилган дастгоҳ йўқолиб қолганини эшитиб қолдим. Мен буни эшитгач, зудлик билан Фарғона вилоят ИИБ раҳбари номига ариза ёздим.

Ҳа, айтганча, қайта ишлаш дастгоҳи ўрнатилган 2020 йилнинг ноябрдан у йўқолган 2021 йилнинг февраль ойигача жами 356 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, олинган соф фойда ўртача 550-600 млн. сўмни ташкил этарди. Ана шу даромаднинг тенг ярми шерикчилик асосида менга тегишли бўлса-да, Умар Ҳожи Махмудов менга ҳатто синиқ тангани ҳам раво кўрмади».

Арзнома шу зайлда давом этади:

– Мен чиқиндиларни қайта ишлаш дастгоҳини У.Махмудовга қарашли корхона худудига олиб келиб ўрнатилишидан то ишга туширилиб, сўнгга сирли равишда «йўқолиб» қолганига бўлган жараёнда тўлиқ иштирок этганман, – дейди телефон орқали мулоқот чоғида Зафаржон Имомалиев.

– «Касбим механик бўлгани боис, ўша пайтда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашдим. Биласизми, бу ускунада қайта ишланган, гранула ҳолига келтирилган маҳсулот бор-зорда ўта харидорғир бўлиб, ундан барча уй-рўзгор анжомлари-ю, турли пластик идишлар, сув, канализация қувурлари қўйинки, 1000 хилга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Шундай экан битта чиқиндини қайта ишловчи дастгоҳ бир ойда ўртача 150 млн. сўм соф фойда кўриш имконини беради. Демак, 2020 йилнинг ноябрь ойдан 2021 йилнинг февраль ойи охирларигача ўтган 4 ой мобайнида ўртача 600 млн. сўм соф даромад қилинган. Уйлашимча, У.Махмудовнинг хаёлини ана шу пуллар ўғирлади.

Бир нарсга тушунмаман. Оғирлиги 12 тонна, узунлиги 36 метр бўлган бутун бошли улкан дастгоҳ қандай қилиб бирданига йўқолиб қолиши мумкин?! Ахир у игна эмас-ку. Ёки осмонга учиб кетдимми?! Уша худудда узоқ вақт ишлаган механик сифатида баралла айта оламаник, бу ерда 12 нафар савлатидан ит тугул туя ҳам ҳурқадиган қоровуллар тун-у кун ишлайди. Бу ерга биров кириши тугул пашша ҳам учиб чиқиши амри-маҳол. Қолаверса, худудда 24 та кузатув камераси уззукун ишлаб туради.

Эътибор беринг, бутун бошли 12 тонналик жиҳозни 2021 йилнинг февраль охирларида йўқолган, дея итдао қилишяпти. Аник эсимда, мен 2021 йилнинг 9 май куни, яъни орадан 69

ижарачининг 680 млн. сўм, вилоят Микрокредитбанкнинг 600 млн. сўм кредит қарздорлиги томоғимдан гиппа бўйиб турибди, – дейди Райимжон Узоқов. – Нима қилай, охири-оқибат республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига арзнома ёздим. Ана шу мурожаатдан сўнг вилоят ИИБ яна ишни қайта кўра бошлади. Унгача шаҳар ва вилоят ИИБ масъуллари «топилмади» деб ишни ёпиб юборишди. Тўғриси, бирон масъулдан жўяли жавоб ололмадим шу чоққача! Вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбарининг қабулига кириш жуда қийин эканлигини ўтган 16 ой мобайнида билдим. Энг қизиғи, вилоят ИИБдаги терговчилар охириги пайтларда мени тўхматчиға чиқара бошлашди. Яъни, ускунани мен ўзим олиб кетган, эндиликда Умар Ҳожи Махмудовга тўхмат қилаётган эмишман. Буни унинг кўрсатмаси исботлаб турганимиз».

Ариза муаллифининг баён этишича, дастлабки терговда У.Махмудов ускунани Р.Узоқовга ўзим бериб юборганман, деб кўрсатма берган бўлса, орадан ўн кун ўтиб берган кўрсатмаси ва ўзоро юзлаштириш чоғида дастгоҳни Р.Узоқовга ўғлим бериб юборган, дея эътироф этмоқда. Мана шу «хилма-хиллик»нинг ўзидаёқ ёлғон борлиги, ускунани Р.Узоқов корхонадан олиб кетмаганлиги аён бўлиб турибдику!..

Хуллас, азим Фарғонанинг гўзал Марғилонида мана шундай хунук ҳолат ва ҳодисалар рўй бермоқда. Бу машмашадан хабар топган Марғилон аҳли, қолаверса, фарғоналиклар ижарага олинган дастгоҳларнинг осмонга учиб кетганига негадир ишонишмаяпти, аксинча, бу ҳолатга шубҳа билан қарашмоқда...

Мана шунақа гаплар. Ушбу мақола саҳифаланаётган куни Фарғонадан яна хабар келди. 16 ой давомида қилни қирққа ёришга қодир терговчилар топмаган ўғрини жабранувчи топганимиз...

Аммо энди Шерзод исмли терговчи уларни хонасига чақариб, яраштириш учун роса уринибди...

Бу гап қанчалик рост ёки ёлғон эканини билмадим, аммо бу гап ИИБ раҳбарига етиб борса, Шерзодхон ака ҳам 532 млн. сўмлик дастгоҳдай учиб кетсалар керак.

Яна билмадик... Фарғона аҳлининг айтишича, ҳозир Фарғонада ҳамма нарса бўлиши мумкин...

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
журналист

✓ Спорт

ҚАДАМЛАРИНГИЗГА ҲАСАНОТ!

ИТАЛИЯДА ЗАФАР ҚУЧГАН МАТОНАТ СОҲИБЛАРИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

10 май куни тунда Италияда пара енгил атлетика бўйича ўтган Гран-При турнирида 6 та олтин, 5 та кумуш ҳамда 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, Ватанимиз спорт шўхратига муносиб ҳисса қўшган матонатли спортчиларимиз Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Эътиборлиси, дунёнинг 30 дан зиёд давлат вакиллари қатнашган «Italian Open-2022» халқаро Гран-При турнирида мамлакатимиз спортчиларининг ғалабаси шарафига 17 марта Ўзбекистон байроғи юксалган бўлса, 6 та олтин медаллар шарафига олти бор Ватанимиз мадҳияси янгради. Иззат Тургунов, Шаҳбоз Ражаббоев, Дониёр Аҳмедов, Махлиё Акрамова, Ёқутхон Холбекова, Хайрулло Мадаминов, Жасур Хўжаев, Асила Мирзаёрова, Жамолддин Ақобиров ва Мусулмонкул Аҳмедовнинг Италия беллашувларидаги ҳар бир ҳаракати, эришган натижаси, ғолиблик одами Ўзбекистон паралимпия ҳаракати Париж-2024 ўйинларига муносиб ҳозирлик кўраётганлигини кўрсатди. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси мутасаддилари, спортчиларнинг яқинлари, кенг спорт жамоатчилиги иштирок этиб, Европа спорт майдонларида юртимиз спорт салоҳиятини намойиш этганларга гуллар совға қилишди, уларнинг муваффақиятларини муносиб эътироф этишди.



Т.РЎЗИЕВ, ЎЗА

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ОИЛАНИНГ НУРАШИДАН БОШЛАНГАН ЭДИ

Ҳаммаси Жон Кеннедининг ўлимидан сўнг бошланди. 1963 йилнинг 22 ноябрида Далласда АҚШнинг 35-Президенти Жон Кеннеди (1917-1963) ўлдирилганидан кейин, мамлакатда янги элитанинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу даврда телевидение, санъат, томошалар индустрияси, таълим тизими кишилар онгига ғоялар, тимсоллар, қарашлар ва қадриятларни сингдириб, батамом янги миллатни шакллантиришга хизмат қилишга киришди. Оқибатда миллионлаб одамлар ўз юртида ўзини бегонадек ҳис эта бошлади. Ҳайвоний майл ва гедонистик (ҳаётнинг мазмун-моҳияти айш-ишрат ва лаззатланишдан иборат, деб ҳисоблайдиган қарашлар тизими) қадриятлар кучайиб, анъанавий байрамлар йўқолди, аввалги қахрамонлар тимсоли сўниб, маданий майдонни куч, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб этувчи супер қахрамонлар эгаллади. Одамлар аждоқлардан мерос бўлиб келаётган азалий маънавий қадриятлар таг томири билан юлиб ташлангани, кўз ўнгиларида қадрдон мамлақати нобуд бўлаётганини сезсалар-да, ноилоҳликда қолишди. «Нима ҳам дердик, бугун бу куй воқеликка айланди: кечаги ҳақиқат бугунги ёлғон билан ўрин алмашди».

— Илгари шарм-ҳаё, уят саналган иллатлар: зино, аборт, эвтаназия, суиқасд инсоният эришган ютуқлар сифатида баҳоланмоқда, — деб ёзади Бьюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» асарига. — Бир вақтлар Нитше қадриятларнинг қадрсизланиши ҳақида фикр юритган эди, дарҳақиқат, илгариги фазилатлар бугун гуноҳ, гуноҳлар эса фазилатга айланмоқда».

— Бир сўз билан айтганда, Киплинг тасвирлаган «бозор ҳукмдорлари» жинсий майл, шуҳрат, бойлик, ҳокимият билан янги Американинг янги ҳукмдорларига айландилар. Нақадар аянчли ҳолат, шундай эмасми? Бу воқеалар бошланганига ярим асрдан ошди. Демократия байроғи кучайган айна паллада айрим Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам глобаллашув таъсирида маънавий йўқотишлар бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Зеро, бизда ҳам киносериялар индустрияси магияси улкан аудиторияни ўз домига чуқурроқ тортаётир...

Ҳозирги вақтда Европа мамлакатларидан ўн еттитада (Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстония) ўлим кўрсаткичи туғилишдан кўра анча юқорилаб кетди. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Тарғибот усуллари, ҳаёт тарзи шундай даражага бориб етдики, энди аҳоли, хусусан, ёшлар зурриёид, авлодни давом эттиришдан кўра, энгил-елпи, яъни эркин яшаш-

ни ўзларига маъқул кўрмоқдалар.

2000 йили Европа аҳолиси 728 миллион кишини ташкил этган эди. БМТ демография бўлимининг «Дунё аҳолиси истиқболлари: 2000 йилдаги вазият» маърузасида таъкидланганидек, агар иммиграцияни ҳисобга олмаганда туғилиш ҳолатининг ҳозирги даражаси сақланиб қолса, 2050 йилга бориб аҳоли миқдори 128 миллионга камайиб, 600 миллион кишини ташкил этади. Эътибор беринг: охириги марта бу қадар камайиш Европа аҳолисининг учдан бир қисми қирилган 1347-1352 йилдаги «Қора ўлат» эпидемиясида кузатишган эди. Энди эса қитъа ундан ҳам хатарли таҳдидга учрамоқда: ўртача туғилиш даражаси 1,4 гача тушиб кетди. Ваҳоланки, аҳолининг ҳозирги миқдорини сақлаб қолиш учун бу кўрсаткич камида 2,1 коэффициентга тенг бўлиши керак. Олимлар бундай аянчли демографик вазият вужудга келишининг сабабларига қизиқмоқдалар. Бунинг боиси қуйидагилар: а) давлат барча нарсани зиммасига оладиган жозибали социализм ғояси авлодларни ўзига чорлади; б) давлат нафақаси ҳар бир одамга кафолатлангани учун қариганда суянч бўладиган фарзандларга ҳожат қолмади; в) иқтисодий жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилиш

учун етарли миқдорда даромад топадиган аёл учун турмуш қуриш чинакам ҳаётини мақсадга айланмай қолди. Оқибатда 1980 йиллардан бошлаб, оила институти емирилди, бу эса бугун Европанинг емирилишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда Европанинг энг катта давлатларида бири — Германияда туғилиш даражаси 1,3 коэффициентга тушиб қолганини, аҳолининг учдан бир қисми эса 65 ёшдагилар эканини таъкидлаш жоиз. Буюк Рим Авлиё Пётр ибодатхонасини бунёд этган, Данте ва Микеланжело, Колумб ва Галилейни вояга етказган Италияда эса бир аёлга ўртача 1,2 та бола тўғри келаяпти. Франциско Франко (1892-1975) даврида кўп болали оилалари билан ўрнатилган Испания ҳам туғилиш даражаси бўйича энг қуйи поғонани эгаллади.

Кўп болаликнинг сабабини икки аср мобайнида араблар истилосида яшаган испанлардан излаш лозимга ўхшайди. Хўш, нега европалик аёллар худди ер юзидан қирилиб кетишини қандайдир тушуниб бўлмас итоаткорлик билан тан олгандек, бола туғилишдан бунчалар осон воз кечиммоқда? Бунинг сабаблари қуйидагилар: биринчидан, контрацепция усули қўлланилиши Ғарб аҳолисининг икки баробар камайишига олиб келди. Иккинчидан, абортлар қўлланган болаларга қарши ўзига хос «иккинчи ҳимоя чегараси»га айланди. Шундан кейин, абортлардан ҳам ваҳшийроқ янги усул — ҳомиладорликка қарши препарат кашф этилди. Кейинчалик у тарихчилар томонидан «Американи ҳалокат еқасига олиб келган оғу», деб баҳоланди. Бундай кимёвий препаратлар биринчи марта 1960 йили сотувга чиқарилган эди. 1963 йили Америка аёлларининг 6 фоизи доктор Рок кашф этган ўша доридан фойдаланган бўлса, 1970 йилда улардан фойдаланувчилар 43 фоиз, 2000 йилда эса 60 фоизга етди. Шу ўринда католик черкови ушбу дорининг қўлланишига кескин қарши чиққанини, папа Павел VI нинг махсус фатвоси билан туғилиш сунъий равишда тўхташ орқали назорат этиш, ҳомиладорликка қарши дориларни қўллаш катта гуноҳ экани эълон қилинганини айтиш жоиз. Аммо 1973 йили судья Блэкман аёлларнинг аборт қилиш ҳуқуқи мамлакат Конституциясида кафолатланганини судда исботлаб берди.

Ана шу машъум қарордан кейин ҳозирги вақтгача АҚШда ҳаммаси бўлиб 45 миллион аборт қилинди. Бугун ҳам 35 фоиз ҳомиладор аёллар шундай йўл тутмоқдалар.

АҚШ ва Европа мамлакатларида оила институтининг нураб боришига инсон ва дин ўртасидаги муносабатлар сусайгани ҳам сабаб бўлганини айтиш жоиз. Дин инсоннинг ўзини-ўзи англаши, маънавиятли ва маърифатли бўлишида беқиёс аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам европаликларнинг диндан бегоналашиши барча кулфатларнинг дебосчаси бўлди, дейишга етарлича асослар бор. Америка жамоатчилик фикри институти (Gallup) нинг 2009 йили 114 та мамлакатда ўтказган натижаларига кўра, «Дин сизнинг кундалик ҳаётингизда муҳим ўрин тутадими?» деган саволга мусулмон давлатларининг кўпчилиги «ҳа», деб жавоб берган бўлса, Европа давлатларида бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этган. Демак, Европанинг 70-75 фоиз аҳолиси динга ишонмайди, эътиқод қилмайди, оилани муқаддас, деб билмайди. Муқаддас ислом динимиз қондаларига биноан, динга чинакамига эътиқод қилувчи мўмин кишилар ҳар қандай оғир ва машаққатли синовларга дош беради, зурриёдини давом эттиради, бола тарбиясини ота-оналик бурчи, инсоний вазифаси, деб билади.

Ҳозирги ахборот, технология ва мураккаб глобаллашув шароитида оила институтининг омон сақлаш — миллатимизнинг ҳаёт-мамоти, қисмати масаласига айланган.

Ҳа, Ғарб ва Шарқнинг оилавий анъана ва қадриятлари бир-бирдан фарқ қилади. Биз болажон, оилапарвар халқимиз. Ўз навбатида, шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бугунги глобаллашув замирида гегемонлик мавжуд, у жадаллашиб борган сари миллий маънавиятга, жумладан, оилага нисбатан хавф-хатар ва таҳдидлар кўпайиб бораверади. Шундай экан, таълим-тарбия, оила ва анъаналар тизими сифатини ошириш ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш барча синов ва имтиҳонлардан омонликда ўтишининг кафолати бўлиб қолаверади.



Бахтиёр ОМОНОВ, сиёсий фанлар доктори

Эътироф

Ҳамид НАЙИРОБОДИЙ: ҚАРДОШЛИКНИНГ МУНОСИБ НАМУНАСINI ЯРАТАМИЗ!



Ҳамид НАЙИРОБОДИЙ, Эрон Исломи Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси

Икки кўҳна юрт — Эрон ва Ўзбекистонни муштарак тарих, маданият, сон-саноксиз хотиралар, эътиқод бирлаштириб туради. Бу икки халқ ҳар доим — қувонч ониди ҳам, қайғу палласида ҳам ёнма-ён турган. 1991 йил Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши ва 1992 йил 10 майда давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилиши қадим алоқани қайта тиклаш ва ривожлантириш имконини яратди.

Ушбу қутлуғ воқеанинг ўттиз йиллиги шарафи билан Эрон ва Ўзбекистон ҳукуматлари, буюк халқларини чин юракдан табриклардан бениҳоя хурсандман.

Бахтимизга томонларнинг шу кунга қадар амалга оширган сай-ҳаракатлари энг юқори даражада сиёсий муносабат ўрнатилиши, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқа мустаҳкамлашига олиб келди. Албатта, ҳали фойдаланилмаган имкониятларимиз жуда кўп. Демак, олдимизда ҳамкорликнинг узун ва узоқ йўли турибди.

Кейинги йилларда ривожланиб бораётган ўзаро муносабатимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири, шубҳасиз, алоқалар хилма-хил тус олиб, ҳамкорлик кўлами

кенгайгани билан боғлиқ. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги шериклик сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, халқаро ва минтақавий алоқалардан ташқари парламентлараро муносабат, олий таълим, маданият, санъат, туризм ва спорт соҳаларидаги алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Эрон Исломи Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 2022 йил 20-21 февраль кунлари Техрон шаҳрида бўлиб ўтган ўн тўртинчи мажлиси доирасида маданият, туризм, фан ва технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликлар тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши ўзига хос янгилик сифатида муҳим ижобий ўзгаришларга йўл очди.

Икки давлат мухтарам президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2021 йил 28 ноябрь кунлари Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган саммитлари доирасидаги учрашувларда ўзаро муносабатни ҳар томонлама янада ривожлантиришга алоҳида ургу бериб, барча тегишли вазирлик, идораларга керакли кўрсатмалар бердилар. Айни пайт барча

соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги Англашув меморандумлари, ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган «Йўл хариталари» тайёрланмоқда.

Натижага йўналтирилган амалий ишларни бажариш, ўзаро муносабатда, хусусан, савдо-иқтисодий ва сайёҳлик алоқалардаги эҳтимолий тўсиқларни олиб ташлаш вақти аллақачон келган. Зеро, мамлакатларимизнинг иқтисодиёт ва туризм салоҳияти бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Эрон йўналиши Ўзбекистоннинг очиқ денгизга чиқиши учун энг қулай йўл. Умумий бир юз йигирма миллион кишилик бозор, Эрон ва Ўзбекистонда мавжуд маҳсулот ва хизмат хилма-хиллиги тадбиркорлар учун нодир имконият.

Энг асосийси, давлатларимиз раҳбарларининг хоҳиш-иродаси ўзаро алоқани юксак даражага кўтаришга қаратилган. Бу омилларнинг бари икки мамлакат ўртасидаги муносабат мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлислари, қўшма кўргазмалар мунтазам ўтказилиши, энг кўп қулайлик режими асосида савдо ҳамкорлиги ҳамда Савдо имтиёзлари тўғрисидаги битимларни

ишлаб чиқиш бўйича ишларни ниҳоясига етказиб, ҳужжатларни имзолашга тайёрлаш, хусусий сектор компаниялари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш, икки давлат ўртасида визасиз режим ўрнатиш ва фуқаролар ўзаро борди-келдисини оsonлаштириш, комбинациялашган ташувни ривожлантириш, эркин савдо режимини ўрнатиш томон ҳаракатланиш, халқларимиз ўзаро манфаати асосида турли соҳалардаги алоқа ривожланиши жараёнини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва эҳтимолий тўсиқларни бартараф қилиш бу йўлдаги таъсирчан, самарали чора-тадбирлар сирасига киради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатларимизнинг ўзаро муносабати ёруғ истиқболга эга. Бўлажак олий даражадаги учрашувлар Эрон Исломи Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шерикликни ҳар томонлама юксалтириш учун замин тайёрлайдиган турли соҳаларга оид ўнлаб ҳужжатлар мувофиқлаштирилишига хизмат қилиши тайин.

Биз алоқаларни янада ривожлантириш орқали жаҳон даражасида дўстлик ва қардошлиқнинг муносиб намунасини яратамиз, икки халқ фаровонлиги, бахтсаодати ва қувончини дунё аҳлига намоён қиламиз, иншааллоҳ!




ЛОНДОНДА Тамара Хонимни қандай кутиб олишганди?

Тарих тилга кирганда

Х асрга оид олтин танга ва сопол буюмлар топилди

Туризм ва маданий мерос агентлиги Матбуот хизмати хабар беришича, Сурхондарё вилояти Термиз тумани Дўстлик маҳалласида яшовчи фуқаро Улкан Эралиев боғни сугориш чоғида ердан олтин динар парчасини топиб олди. Фуқаро шундан сўнг, Термиз археология музейига мурожаат қилди. Жойга етиб борган мутахассислар ва нумизматлар қазихона ишлари олиб бориб, Қорахонийлар ва Салжۇқийлар даврига оид кимматбаҳо топилгани дастлабки экспертизадан ўтказишди. Қайд этилишича, олтин динарнинг олд томонида музей нумизматика докторанти Мансур Нормўминов «Аллоҳ» ва «Муҳаммад» сўзларини, шунингдек, араб алифбосининг айрим ҳарфларини ўқишга муваффақ бўлди. Танганинг орқа томонидаги матн деярли ўчиб кетган. Шикастланган, лекин яхши сақланиб қолган танга — олтин динарнинг оғирлиги 1,92 граммни ташкил қилган. Маълум қилинишича, мусулмон мамлакатларида тилла тангалар «динор», кумуш тангалар «дирҳам» деб аталар эди.



Кимматбаҳо топилгани белгиланган тартибда Термиз археология музейига топширган Улкан Эралиевга амалдаги қондаларда белгиланган ҳақ тўлаб берилди. Хабарда қайд этилишича, Термиз ўзининг стратегик жойлашуви туфайли империялар ўртасида тез-тез тортишувлар ва урушлар объектига айланган. Х асрнинг 2-ярмида шаҳар Қорахонийлар ва Ҳазравийлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар жойига айланди. Бу ҳукмдорлар бир-бирлари билан бўлган урушда аллақачон қаттиқ ҳолдан тойганидан фойдаланган салжۇқий шахзодалар Тўғрулбек ва Чағрилбек Термиз ва унинг атрофини эгаллаб оладилар. Бу йил Термиз археология музейи очилганига 20 йил тўлади. 20 йил давомида бу музейда бирорта ҳам тилла танга бўлмаган.

ЎЗА



Ноёб фотосурат
Машҳур боксчи Муҳаммад Али Ҳаж зиярати вақтида Каъбанинг муқаддас Қора тошини уппоқда. 1967 йил.
«Бу ҳаётимдаги ажойиб дақиқалар бўлган. Аммо Ҳаж пайтида Арофат тоғида турганимда бошдан кечирган туйғуларим беқиёс эди». Муҳаммад Али

СҮДЛОВ

Crossword puzzle grid with numbers indicating starting positions for words.

“Дейли Телеграф” газетаси. Лондонда суратга олинган тарихий фотосурат... Ўзбек раққосаси, хореограф ва ижроичи, Ўзбекистон халқ артисти Тамара Хоним, унинг устози — машҳур ўзбек созандаси, хореограф, санъат арбоби ва мураббий Усто Олим Комилов, таниқли созанда Тўхтасин Жалилов ва Ўзбекистон давлат мусикали театри артисти Абдуқодир Исмоилов 1935 йилда илк бора Британия жамоатчилигига Ўзбек маданиятини таништирганлар. Тамара Хоним 1935 йилда Лондонда бўлиб ўтган халқаро халқ рақслари фестивалидаги ўз чиқишида ўзбек аёлининг шу пайтгача номаълум қиёфасини намойиш этган. Томошабинлар олдида қатъий, ўз Ватани учун ғурур ва ифтихор туйғусига эга аёл гавдаланган эди. Шу билан бирга, ундан жозиба, гўзаллик ва нафосат уфуриб турарди. Одатдагидек, Тамара Хонимнинг юзида хайратланарли ва сирли табассуми балкиб турарди. Инглиз ёзувчиси Симона Пакехэм ўз китобида “1935 йилги тadbирда 17 та мамлакатдан беш юз нафардан ортик раққосалар, Британиянинг «EFDSS» рақс жамяти, Шотландия миллий рақс жамяти ва кўплаб худудий гуруҳларнинг уч юз нафар ўйинчиси ташриф буюрди”, — деб ёзади.

Фестиваль Кириллик концерт залининг машҳур Альберт-Холл сахнасида бўлиб ўтади. Кирилича Мария Лондон халқаро халқ рақслари фестивали хомийлигини қабул қилиб, кирилл Георг V билан бирга барча намоёнларда қатнашади. СССР делегацияси 38 нафар рус, украин, ўзбек ва грузиялик раққослардан иборат бўлган. Усто Олим Комилов узок сафардан сўнг Лондонга жуда оғир аҳволда етиб келади. Унга зудлик билан тиббий ёрдам чакрилади. Британия матбуоти Тамара Хоним СССР делегациясининг махсус аъзоси эканини биларди. Усто Олим Комилов ботоб бўлиб қолгач, Тамара Хоним унинг пешонасидаги операциядан қолган чандикларни бинтлар билан Бухоро салласига ўхшатиб ўрашни таклиф қилади. Бухороча ўралган салла жуда табиий кўринади. Усто Олим нафақат Альберт-Холл, балки Лондон фестивалининг бошқа сахналарида ҳам аъло даражада чиқишлар қилади. Тамара Хоним ўзининг таржimaiи ҳолида Альберт-Холл сахнасида ундан ўз чиқишини бошлашини сўрашганида бошдан кечирган хис-туйғуларига ҳақида ёзган. “Мен қушлай учардим, юрагим кўксимдан отилиб чиқади, деб ўйлардим” — деб ёзганди у “Тул ўйин” рақсини ижро этишдан олдин хис этган ҳаяжонини. Тамара Хоним ижросини тугатганидан сўнг залда гулдурос карсақлар янграйди. Усто Олимнинг иситмаси баланд эди. Лекин шундай бўлсада, у доирасини чадади ва Тамара Хоним Альберт-Холл сахнасида доира садолари остидан рақсга тушади. Ўзбек раққосаси “Катта ўйин”, “Тул ўйин”, “Пилла”, “Қари наво” рақсларини ижро этганидан сўнг Британия томошабинлари том маънода ўз жойларидан туриб кетишади. Англия кироли ва кириличаси томонидан ташкил этилган қабулда барча делегациялар Лондон фестивалининг медаллари билан тақдирланадилар. Бирок Кеннедилар оиласи ўзбек делегациясини мукофотлаш учун алоҳида таклиф этади. Усто Олим шахсан Англия кириличасининг қўлидан медаль билан тақдирланади. Кирилл ва кирилича Усто Олимнинг ақл бовар қилмас бармоқларига қойил қолганликларининг белгиси сифатида унинг кўлларини олиб, мулойимлик билан ёнокларига қўядилар. Британия томошабинлари, танқидчилар ва журналистлар, раққослар уларнинг ажойиб рақс услуби, катта маҳорати ва иштиёқини кўриб, ўз хайратларини яшира олмаганлар. Британия жамоатчилиги Усто Олимнинг кўринишидан оддий бўлган чолгу асбоби (доиралардан шу қадар хилма-хил вазиларни ижро этиш қобилиятидан хайратда қолган эдики, ташкилотчилар унинг кўлларидан нухса кўчиришга қарор қиладилар. Бу нухса маълум бир вақт давомида инглиз созандаси Сесил Шарпнинг уйида сақланади. Афесуски, Иккинчи жаҳон уруши пайтида Сесил Шарпнинг уйи бомбардимон қилинган ва кутубхона ходимларининг тахминларига кўра, Усто Олимнинг кўллари нухсаси ҳам бошқа экспонатлар сингари йўқ қилинган.

И.АБДУМАЛИКЗОДА тайёрлади.
ЎЗА

Назм бекати



Фаfox ГУЛОМ

СОФИНИШ

*Зўр қарвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мурабийсан, хабар бер, Қуёш!*

*Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.*

*Ҳоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!*

*Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўлиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...*

*Иблисининг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.*

*Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Қутаман, узокдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.*

*Баҳор новдасида бўртган ҳар қуртак
Соғинган кўнгулга берар тасалли.
Кўчатлар қолатин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.*

*Кечқурун ош сузак бир насиба кам,
Кўмсайман бировни — аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.*

*Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олма...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.*

*Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лоққа ҳаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.*

*Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи кўшини қиз — унинг севгани,
Маънос босар эди орқадан одим.*

*Боғда сарвинозим йўқ эди зарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд —
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.*

*Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабиға
Қўяр, васвасамдан кулади кўёш.*

*Асалдан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқ аридек тўзганимни йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абаддир мендаги падирий ҳуқуқ.*

*Сизларни келди, деб эшитган куни —
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлалиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.*

*Яёв, кўксим очик, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.*

*Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.*

*Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.*

*Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.*

«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТимоий-
СИёсий
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПўЛАТОВ,
Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВ, Баходир
МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОҶИЕВ, Отабек
ЖИЯНБОВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза
МУХАММАДЖАНОВА, Хуршид ДўСТМУХАММАД, Шерзодхон
ҚУДРАТХУҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАХМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ
МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Мақсуд Шайхзода
кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОВ,
Раъшан МАХМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 516
Босишга топширилган вақти 21.00.
Топширилди 02:55

ISSN 2010-7714

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11 123456